

**БАДИЙ АСАР ТАРЖИМАСИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК  
БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ***Муслимахон Рустамова**Тошкент давлат шарқшунослик университети**2-курс таянч докторанти*

**Аннотация.** Фразеологик бирликлар нутқда тайёр ҳолда учрайдиган тил бирликлари бўлиб, улар яхлит ҳолда қўлланилгани боис функционал ва семантик жиҳатдан бўлинмайди. Бадий асар таржимасида бундай бирликларни мумкин қадар сақлаб қолишга ҳаракат қилиш лозим. Бироқ таржима қилинаётган тил эгаларининг менталитети ва дунёқараши ҳисобга олиниши лозим. Акс ҳолда асарнинг тушунилиши қийинлашади ва бундай асарни китобхон иштиёқ билан ўқимайди. Мутахассислар мунтазам равишда бу масалада ўзларининг қимматли фикрларини билдириб келадилар. Мақолада бадий асар таржимасида қўлланилган фразеологик бирликларнинг лингвопоэтик имкониятлари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Бадий таржима, бадий матн, бадий тил, фразеологизм, турғун бирикмалар.

**Abstract.** Phraseological units are language units that occur ready-made in speech, and because they are used as a whole, they are not functionally and semantically divided. In the translation of a work of art, it is necessary to try to preserve such units as much as possible. However, it is necessary to take into account the mentality and outlook of the natives of the language being translated. Otherwise, it becomes difficult to understand the work, and the reader will not read it with enthusiasm. Experts regularly give their valuable opinions on this issue. The article talks about the linguopoetic possibilities of phraseological units used in the translation of an artistic work.

**Key words:** Artistic translation, artistic text, artistic language, phraseology, fixed combinations.

**Аннотация.** Фразеологизмы - это языковые единицы, встречающиеся в речи в готовом виде, а поскольку они употребляются как единое целое, то функционально и семантически не разделены. При переводе художественного произведения необходимо стараться максимально сохранить такие единицы. Однако необходимо учитывать менталитет и мировоззрение носителей переводимого языка. В противном случае становится трудно понять произведение, и читатель не будет читать его с энтузиазмом. Эксперты регулярно дают свои ценные мнения по этому вопросу. В статье говорится о лингвопоэтических возможностях фразеологических единиц, используемых при переводе художественного произведения.

**Ключевые слова:** Художественный перевод, художественный текст, художественный язык, фразеология, устойчивые сочетания.

Дунё тилшунослигида бадий асар тили турли аспектларда тадқиқ қилинади ва ёндашувлар ҳам шунга кўра турли шаклларда бўлади. Манбаларда таъкидланишича: “бадий асар тилининг луғавий-услубий, лингвомаданий ва лингвопоэтик хусусиятларини ўрганиш; бадий нутқнинг эмоционал-экспрессив лексикасини тадқиқ қилиш; муайян халқ бадий адабиёти тилининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш; бадий асарларда учрайдиган турли нутқ услубларига хос сўзларни услубий хусусиятларини ўрганиш; тасвирий воситаларнинг бадий нутқнинг бадий-образлигини таъминлаш даражасини белгилаш; бадий матнларни лингвопоэтик таҳлил қилиш орқали ижодкор маҳоратини очиб бериш” [Ғафуров И. ва бошқ., 2012] кабилар устувор йўналишлар ҳисобланади.

“Аксарият ҳолларда аслият ва таржима тилларида бир хил фикр ифодаланади, бироқ улар образлари билан бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг ҳар иккиси бир хил кўчма маънога эга бўлади. Бундай ҳолларда образлар ўртасида мавжуд озгина фарқ ҳисобга олинмаслиги лозим.” [Ғафуров И. ва бошқ., 2012.-Б.153.]

Маълумки, фразеологик бирликлар нутқда тайёр ҳолда учрайди, улар турғун бирикмалар бўлиб, функционал ва семантик жиҳатдан бўлинмас ёки ажралмас бириклардир. “Турғун бирикмали таржима қилиш эркин бирикмали таржима қилишдан фарқ қилади. Турғун бирикмалар таржимаси ҳақида гапиришдан аввал уларнинг ўз ва кўчма ёки образли турларини фарқлаб олиш лозим. Ўз маъносида қўлланган турғун бирикмали таржима қилиш юқорида фикр юритилган принципларга асосланади. Энг муҳим принциплардан бири - таржима тили нормаларини унутмаслик ҳисобланади. Кўчма ёки образли турғун бирикмалар таржимаси алоҳида эътиборни талаб этади. Бундай ибораларнинг асосий хусусияти уларнинг компонентлари йиғиндисидан маънони англаб олиш қийинлиги билан характерланади. Турғун бирикмалар маъноси алоҳида олинган сўзлардан эмас, балки уларнинг йиғиндисидан келиб чиқади. Образга асосланган турғун бирикмалар матни ифодалари ҳамда стилистик жиҳатдан бўёқдор бўлишини таъминлайди. Аслият матнининг бўёқдорлиги таржимада ҳам ўз аксини топиши ва ифода воситаларининг тўлиқ сақланишини талаб этади. Таржимон матнининг ифодалари ва бўёқдорлигини таъминлаш мақсадида таржима матнида ҳам адекват образли турғун бирикмаларнинг вариантини топиши лозим бўлади.” [Ғафуров И. ва бошқ., 2012] Дарҳақиқат таржима назарияси бўйича нашр этилган адабиётларда бундай бирикмаларни таржима қилишнинг тўртта усули борлиги ҳақида маълумот берилади. Улар қуйидагилардан иборат: 1) образни қандай бўлса шундайлигича сақлаш; 2) образни қисман ўзгартириш; 3) образни бутунлай бошқа образ билан алмаштириш ва 4) таржимада образни бутунлай сақламаслик ёки уни тушириб қолдириш.

“Одатда универсал ёки интенсионал образлар таржимада тўлиқ сақланади. Бундай фразеологик бирликлар тарихий, афсонавий, диний, мистик, мифологик ва шу кабиларга асосланган бўлади. Масалан, “in the

seventh heaven” - “еттинчи осмонда”. Бундай фразеологик бирликлар аслиятнинг таржима тилидаги эквивалентлари деб аталади. Таржимада тўлиқ эквивалентга эга фразеологик бирликлар деярли ҳеч қандай муаммо туғдирмайди, чунки улар стилистик ҳамда прагматик жиҳатлардан бир хил қийматга, маънога, ифода усули ва таъсир кучига эга бўлади. Баъзан аслиятдаги образли фразеологик бирликни таржима тилида муқобили бўлмаса ҳам сақлаб қолиш имконияти бўлади. Бунга калькаланиш йўли билан эришиш мумкин. Масалан, “nothing comes out of the sack but what was in it” - “қопда нима бўлса, шу чиқади” ёки “қозонда бори чўмичга чиқади”. Бу усул образли фразеологик бирликнинг маъноси шаффоф бўлган тақдирда, яъни уни ҳамма осон тушунган ҳолдагина қўллаш мумкин.” [Ғафуров И. ва бошқ., 2012. –Б.152.] Бундай вазиятда фразеологик бирликлар таркибидаги сўзларнинг луғавий маъноси англашилиб турса, уни таржима қилишда калькаланиш усулидан фойдаланиш мумкин ва бунда матндаги асосий ғояни тушуниш осонлашади.

Жуда кўп ҳолларда асранинг аслияти ва таржимасида бир хил фикр ифодаланса ҳам уларнинг образлари бир-биридан фарқланиши кузатилади. Бу табиий ҳол. Чунки образ ҳар бир халқнинг тафаккур тарзи билан алоқадор алоҳида ҳодисадир. Масалан, ўзбек менталитетида кўзлари катта-катта ва қоп-қора бўлган болалар “чарос кўзли” эпитети билан тилга олинади ва шу тил эгалари учун бирдек тушунарли. Турк менталитетида эса айни сифатга эга болалар “зайтун кўзли” сифатлаши билан эрқаланади. Ҳар икки эпитет ифодалаган мазмун бир хил, аммо образи фарқли. Бундай ҳолатларда албатта таржима қилинаётган тил эгаларининг тасаввури ҳисобга олиниши керак бўлади. Айтиш мумкики, бундай қурилмалардаги ўзгариш аслият ифодалаган маъно бутунлигига таъсир қилмайди, шаклан ўзгаришга учраган бўлади. Зеро, ўзгариш таржима қилинаётган тил эгаларининг менталитети ва дунёга қараш тарзига мувофиқ келсагина таржима матн муваффақиятли ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, иборалар ёки фразеологизмлар дейилганда, тузилиши жиҳатидан сўз бирикмаси ёки гапга тенг, умумлашган маъно англатувчи, компонентлари қисман ёки тўласича кўчма маъно ифодаловчи турғун лексик-семантик бирликлар тушунилади. Тилшуносликда бундай бирликлар “фраза”, “фразема”, “фразеологик бирикма”, “фразеологизм”, “идиома”, “ибора” “турғун бирликлар” каби атамалар билан юритилади.

“Ҳар бир халқнинг тил бойлиги, жумладан фразеологик бирликлари унинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи, менталитети ва характерли хусусиятлари ва шу кабиларни акс эттиради. Ҳамма учун бир хил фикрлар турли халқлар томонидан турлича ифодаланади: ўзбеклар “туянинг думи ерга текканда”, “қизил қор ёққанда”, “хапшанба куни” деганда инглизлар “when pigs fly” фразеологик бирлигини қўллашади. Иккала фразеологик иборадаги лексик бирликлар бир-бирига, айниқса “туя, қизил

кор ҳамда хапшанба” бутунлай тўғри келмасада, “ҳеч қачон содир бўймайдиган иш-ҳаракат, воқеа” асосий фикр ҳисобланади. Фразеологик бирликлар таркибидаги аксарият сўзлар эса иккинчи даражали унсур сифатида қўлланган. Бу ердаги асосий вазифа аслиятдаги фразеологик бирликка таржима тилида худди шу фикрни ифодалаган ва худди шундай стилистик маънога эга бўлган турғун бирикма топиш.” [Ғафуров И. ва бошқ., 2012]

Профессор Шавкат Раҳматуллаев “Нутқимиз кўрки” номли рисоласида фраземаларнинг унга ёндош ҳодисалардан фарқли ҳамда ўхшаш томонларини изоҳлар экан шундай фикрни илгари суради: “биттадан ортик лексик негиздан таркиб топган, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга эквивалент, яхлитлигича устама кўчма маъно англатувчи луғавий бирликка ибора (фразеологик бирлик) дейилади. “Луғавий бирлик” дейиш билан иборани эркин боғланмадан, “биттадан ортик” деб таъкидлаш билан содда сўздан, “лексик негизлар” деб таъкидлаш билан аналитик формадан, “бирикмага, гапга тенг” деб таъкидлаш билан кўшма сўздан, “яхлитлигича устама кўчма маъно” деб таъкидлаш билан тўғри маъноли турғун боғланмадан фарқлаймиз, “сўзга эквивалент” деб таъкидлаш билан луғавий бирлик сифатида яна қатор хусусиятлари борлигидан дарак берамиз.” [Раҳматуллаев, 1970, 56.]

“Шундай ҳоллар бўладики, таржима тилида аслият тилига на эквиваленти ва на ўхшаш фразеологик бирикма топилади. Аслиятда ифодаланган фикри акс эттира оладиган бирликнинг на эквивалент ва на ўхшаши бўлганда, фразеологик бирлик шаффоф бўлмаса, калькалаш усулидан фойдаланишнинг иложи бўлмаганда, турғун фразеологик бирликлар тасвирий йўл билан таржима қилинади. Тасвирий усул эркин кўчма маънога асосланмаган фразеологик бирликларни қўллашни талаб этади: “a skeleton in the cup” — “оила сирин”, “in a whole skin” — “бекамукўст, соппа-соғ, соғ-саломат, бешиён” ва шу кабилар.” [Ғафуров И. ва бошқ., 2012]

Мутахассислар фразеологик бирликларини таржима қилиш жараёнида сўзларнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайдилар. Шунингдек, миллий хусусиятга эга бўлган сўзлар, яъни реалиялар (хос сўзлар) ҳамда фразеологик бирликлар таржимасининг ўта мураккаб ва диққатталаб жараён эканлигини таъкидлаб келадилар. “Фразеологик бирликлар бир тилдан бошқа тилга тўрт йўл орқали таржима қилинади: 1. Грамматик, семантик ва услубий мослашишлар орқали. 2. Семантик эквивалентлар орқали. 3. Калька орқали. 4. Тасвирий (баён) таржима орқали. Тўлиқ фразеологик бирликларнинг мослашиши 2 та тилда бир хил бўлиши мумкин. Бласк фрост - қора совуқ (суровый мороз); то лосе онеъс ҳеад - калласини йўқотмоқ (потерять голову) Фразеологик бирликларни таржима қилиш жараёнида уларнинг тузилиши ва мазмунини солиштириш орқали функционал ва семантик мустақил бирликлар танлаб

олинади. Бу принциплар тил элементларини ўхшашлик ва мос келиши орқали ифода қилинади. Ушбу бирликларнинг тузилиши ва маъноси мос келиши мумкин ёки мослашишда айрим камчиликлар орқали тақдим этилади.” [Ғафуров И. ва бошқ., 2012. –Б.157.]

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, таржима асарларнинг лингвопоэтик хусусиятларини мунтазам тадқиқ қилиб бориш, миллий тил имкониятларидан таржимоннинг қай даражада фойдаланаётганлигини илмий ёндашувлар асосида текшириш ҳамда муайян тамойиллар асосида баҳолаб бориш орқали миллий таржима тилининг такомиллашув тарзини аниқлаш имконига, қиёсий тилшунослик ва қиёсий адабиётшунослик соҳаси илмий тадқиқот объекти доирасининг кенгайиб боришига эришиш мумкин. Бундай тадқиқотлар натижасида китобхонлар учун танлаш имконияти ортади ва бу табиий тарзда уларнинг эстетик тафаккурини бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, таржимада аслиятдаги поэтик бутунликни тўлиқ сақлашга ҳаракат қилиш орқали таржима тилининг имкониятлари бойитилади.

#### Адабиётлар

1. Ғафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. -Т.: "Тафаккур бўстони", 2012, -Б.161.
2. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Тошкент: Фан, 2008.
3. Лебедова Л. Устойчивые сравнения русского языка. –Краснодар: Кубинский ГУ, 2003. –С. 3;
4. Некрасова Н. Сравнения общеязыкового типа в аспекте сопоставительного анализа художественных идиолектов // Лингвистика и поэтика. –М.: Наука, 1979. –С. 225;.
5. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. - Тошкент: Фан, 1970. – Б. 56
6. Хақимзянов Ф. О словаре устойчивых сравнений татарского языка // Российская тюркология. –Москва-Казань, 2010. -№2. –С. 80.